
ҚЎШТЕПАДА “FERGANA GLOBAL TEXTILE” ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИ ҲОМИЙЛИГИДА 27 НАФАР ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИНИНГ СУННАТ ТЎЙЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

“Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиори остида бошланаётган Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами тантаналари арафасида Қўштепа туманида саховат тадбири бўлди: “Fergana Global textile” пахта-тўқимачилик кластери ҳомийлигида 27 нафар эҳтиёжманд оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди. Тўйга болаларнинг оналари, яқин қариндошлари, жамоатчилик фаоллари таклиф этилдилар.

Туман секторлари раҳбарлари, маҳаллалар оқсоқоллари билан биргаликда ташкил этилган ушбу тадбирда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров иштирок этди.

Болажонларни қутлаш учун сўз олган вилоят раҳбари Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислохотлар натижасида ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластерлари жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тобора катта ўрин эгаллаётганини қайд этиб, бугунги хайрия тадбири ҳам “Инсон қадри учун” тамойили асосида юртимизда бўлаётган улкан ўзгаришларга, хайрли ташаббусларга “Fergana Global textile” раҳбарларининг “лаббай” деб берган жавоби эканини қайд этди.

Тўйда болаларга янги сарполар кийдирилиб, ҳар бирига велосипед ва бошқа қатор совғалар топширилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-08-06 18:17:49